



ДХХ ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Холбўтаев Абдуғани Абдурахимович

Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси
ю.ф.ф.д (PhD)

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10464688>

ARTICLE INFO

Received: 31th December 2023

Accepted: 05th January 2024

Online: 06th January 2024

KEY WORDS

Давлат чегарасини қўриқлаш,
хуқуқбузарликлар
профилактикаси, Давлат
чегараси дахлсизлиги, Давлат
чегараси режими, чегара
режими.

ABSTRACT

Мақолада ДХХ Чегара қўшинларининг маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётининг айрим масалаларининг таҳлили ёритиб берилган бўлиб, миллий қонунчилик ҳужжатларини кўриб чиқиш натижаларига мувофиқ, Чегара қўшинларининг бу борадаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига қўшимча киритилиши юзасидан таклиф билдириб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тўртинчи бўлими маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш асослари ва тартибига бағишланган бўлиб, айрим концептуал ўзгаришларни ҳисобга олмаганда, деярли хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун ижодкорлиги фаолияти олиб борилмаган. Бу борада Н. Дадабоева ҳам янги тенденциялар маъмурий хуқуқбузарликларга оид суд амалиётини такомиллаштиришни тақозо этади деб ҳисоблайди¹.

ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари томонидан Давлат чегарасини қўриқлаш соҳасидаги маъмурий хуқуқбузарликлардан асосан МЖТКнинг 224, 224¹, 225-моддаларида назарда тутилган қонун бузилишлари бўйича тегишли процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари режимини бузганлик бўйича шахсларнинг маъмурий хуқуқбузарликларни содир этишдаги ҳаракатларининг таҳлили мазкур хуқуқбузарликни расмийлаштиришда айрим муаммолар юзага келаётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, МЖТКнинг 224¹-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларига кўра, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузганлик учун ва уни такроран

¹ Дадабоева Н., Хуқуқбузарликларга оид маъмурий ишларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти: муаммо ва ечим // *odillik mezonlari. Ilmiy-amaliy, huquqiy jurnal*. 2019 й. №1. – Б. 18.



содир этганлик бўйича белгиланган жаримани тўламаган тақдирда, кейинчалик Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи бир йилдан уч йилгача муддатга чекланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юборилади.

Белгиланган муддат сифатида МЖТКнинг 332-моддасига мувофиқ, жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб **ўттиз кундан** кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда - шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб **ўн беш** кундан кечиктирмай тўланиши лозимлиги тушунилади.

Бироқ, амалиётда айрим ҳолатларда мазкур ҳуқуқбузарликларни содир этган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан МЖТКнинг 224¹-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмлари бўйича жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи таъминланмасдан қолиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Жумладан, Қозоғистон Республикаси фуқароси С. 2023 йил 17 июнь куни “Ғишт-Кўприк” чегара назорати ўтказиш пункти орқали Ўзбекистон Республикасига кириши давомида, чегара назорати бўлинмаси ёки божхона органи бошлиғининг рухсатисиз хизмат хоналарини видеотасвирга олиш ҳаракатларини содир этганлиги учун, унга нисбатан МЖТКнинг 224¹-моддаси 1-қисми бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарор расмийлаштирилган ва базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдоридан жарима жазоси қўлланилган. Бироқ, ушбу чет эл фуқароси белгиланган жаримани ўттиз кун муддатда тўламасдан, Қозоғистон Республикасига келтирилган чегара назорати ўтказиш пункти орқали чиқиб кетган. Ушбу фуқаро 2023 йил 9 сентябрь куни “Ғишт-Кўприк-авто” чегара назорати ўтказиш пункти орқали белгиланган тартибда назорат тадбирларидан ўтказилиб, Ўзбекистон Республикасига кириб келган. Бироқ, унинг илгари МЖТКнинг 224¹-моддаси бўйича тайинланган жаримани тўламаганлик ҳолати ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси, яъни чегара назоратини ўтказган масъул шахс томонидан аниқланмаган.

Бунга асосий сабаб, Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидан ҳаракатланувчи шахсларни белгиланган тартибда Давлат чегараси орқали ўтказувчи чегара назорати масъул шахсларининг, уларни Ўзбекистон Республикасига белгиланган тартибда кириб келганлигини белгиловчи ва шахсига оид ҳужжатларини текшириш билан бирга, уларнинг илгари мазкур турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун белгиланган маъмурий жаримани тўламаганлик фактини аниқлашнинг имконияти мавжуд эмаслигидадир.

Мазкур ҳолатларни келгусида бартараф этиш мақсадида, чегара назорати органлари томонидан шахсларнинг ва уларнинг ашёларини Давлат чегарасини кесиб ўтиш билан боғлиқ ҳужжатларини текшириш бўйича қўлланиладиган дастурий таъминотида, Давлат чегарасини қўриқлаш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганликлари учун белгиланган маъмурий жаримани тўламаган **шахсларнинг рўйхатини шакллантириш** орқали муаммони ҳал этиш имкониятининг мавжудлиги ўрганилган ахборот дастурий таъминотларининг таҳлили кўрсатиб бермоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни янада



кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида” 2023 йил 25 апрелдаги Қонунга² мувофиқ, ДХХ Чегара қўшинларига МЖТКнинг 225-моддаси биринчи-учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва уни содир этган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан жарима тариқасидаги маъмурий жазо чорасини қўллаш ваколати тақдим этилган.

Чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтишнинг, кўчишнинг ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя этмаганлиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, худди шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш қоидаларига ўн суткагача риоя этмаганлиги (1-қисм), Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини ўн суткадан ортиқ, аммо ўттиз суткадан кўп бўлмаган (2-қисм) ва ўттиз суткадан ортиқ муддатга бузиши (3-қисм) юқорида келтирилган ҳуқуқбузарликлар таркибини келтириб чиқаради.

Юридик адабиётларда чет эл фуқароларининг мамлакатда доимий яшовчи, вақтинча бўлувчи, дипломатик дахлсизликка эга бўлган ва қочоқлар сингари бир неча тоифалари келтирилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳуқуқий ҳолати бўйича ўзига хос мақомга эга³.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида” 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарорини⁴ ўрганиш натижалари асосида хулосага келиш мумкинки, ички ишлар органлари томонидан вақтинча прописка қилинмайдиган хорижий шахсларнинг икки тоифаси мавжуд. *Биринчи тоифа*, алоҳида имтиёзлар ва иммунитетга эга бўлган шахслар бўлса, *иккинчи тоифа* республикада белгиланган тартибда аккредитация қилинган шахслардир.

Қолган барча тоифадаги хорижий шахслар мамлакатимиз ҳудудида вақтинча пропискадан ўтган ҳолда яшашлари лозим. Вақтинча келувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларини қабул қилувчи ташкилотлар ва шахсларни хабардор қилган ҳолда ўзларининг хоҳишларига кўра, меҳмонхона ёки бошқа турар жойларда яшашлари мумкин⁵.

² “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кўриклаш ва химоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида” 2023 йил 25 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ–832-сон Қонуни // “Халқ сўзи”, 2023 йил 26 апрель.

³ Трофимчук Н.В., Государственное регулирование режима пребывания иностранных граждан в Российской Федерации // Миграционное право. – 2009. – № 3. – С. 29-31.; Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида учрайдиган юридик атамаларнинг изоҳли луғати // А.А. Отажонов, И. Исмаилов, Б.Э. Закиров ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2016. – 88 б.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида” 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори // Электрон манба: www.lex.uz.

⁵ Юлдашев Дж.Х., Ўзбекистон Республикаси паспорт тизимини такомиллаштиришнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари: ю.ф.ф.д (PhD) бўйича дисс. – Т.: ИИБ Академияси, 2019 й. Б. 90.



ДХХ Чегара қўшинлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда ушбу ҳуқуқбузарликни тўлақонли расмийлаштиришга бир қанча омиллар таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, 2023 йил 14 сентябрь куни “Ғишт-қўприк” ўтказиш пунктида чегара нарядлари томонидан фуқаро Э. тақдим этган 760529738 серия рақамли Россия Федерацияси фуқаролик паспорти текширилганда, у Ўзбекистонга 2022 йилнинг 28 май куни Тошкент халқаро аэропорти орқали кириб келганлиги ва 2023 йилнинг 14 сентябрь кунига қадар Ўзбекистон ҳудудида вақтинча рўйхатдан ўтмасдан яшаб келганлиги аниқланган. Шу боис, фуқаро Э.га нисбатан Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун, МЖТКнинг 225-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги бўйича “Е-маъмурий иш” ягона электрон тизимида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима жазоси белгиланган (РТВЛ 2342504319031 рақамли Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор)⁶. Кейинчалик мазкур фуқаро Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлиги сабабли, тайинланган қарорни бекор қилиш бўйича ўтказилган хизмат текшируви натижаларига кўра, ҳуқуқбузарлик материалларини расмийлаштириш жараёнида, фуқаро Э. ўзини Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлигини маълум қилмаганлиги, ҳақиқатан ҳам у Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлиги, Россия Федерацияси фуқаролигини олгандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотмаганлиги маълум бўлган. Шунга асосан, унга нисбатан жарима жазосини қўллаш хусусидаги қарор бекор бўлишига олиб келган.

МЖТКнинг 225-моддаси биринчи-учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти сифатида чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс тушунилиши муносабати билан, келтирилган ҳолатда фуқаро Х.нинг ҳаракатларини МЖТКнинг 225-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида малакалаб бўлмайди.

Қайд этиш жоизки, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг⁷ 4-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди учун ягона фуқаролик ўрнатилади. Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Мазкур қонуннинг 25-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш асослари келтирилган бўлиб, шахснинг ихтиёрий равишда чет давлатнинг фуқаролигини олиши ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш учун асос бўлиши белгиланган.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 30-моддасига кўра, чет давлат фуқаролигини ихтиёрий равишда олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини аниқлаш учун ички ишлар органлари ва консуллик муассасалари манфаатдор вазирликлар, давлат

⁶ ДХХ Чегара қўшинлари бўлинма бошлиғи Н. томонидан 2023 йил 14 сентябрь куни Россия Федерацияси фуқароси Э.га нисбатан расмийлаштирилган қарор // “Е-маъмурий иш” ягона электрон тизимидан олинди.

⁷ “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 2020 йил 13 мартдаги ЎРҚ–610-сон Қонуни “Халқ сўзи”, 2020 йил 14 март.



қўмиталари ҳамда идораларнинг маълумотларини текширади, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг келиб тушаётган мурожаатларини ўрганади. Ушбу моддада назарда тутилган факт аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқаросига ушбу Қонуннинг 25-моддаси қоидалари тушунтирилади. Бунда Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлиги хулоса тайёрлайди ва хулосани материаллар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясига юборади.

Мазкур ҳолатда, фуқаро Э. Россия Федерацияси фуқаролигини ихтиёрий равишда олганлаги муносабати билан, ДХХ Чегара қўшинлари томонидан унга тайинланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарор бекор қилиниши билан бир вақтда, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш масаласи кўриб чиқилиши бўйича мурожаат йўлланилиши келтирилган Қонун нормасининг талаби бажарилишига олиб келади.

ДХХ Чегара қўшинларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб олиш улар фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

ДХХ Чегара қўшинларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш қўйидаги процессуал босқичлардан иборат:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёргарлик кўриш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қарорни қайта кўриш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор ижросини таъминлаш⁸.

Ҳуқуқшунос олим М.Я.Масленников таъкидланганидек, “Процессуал босқич” – ваколатли орган томонидан иш юритиш бўйича қўлланиладиган процессуал ҳаракатлар ва қарорлар йиғиндиси⁹.

Ушбу ҳолатда С.С. Алексеевнинг фикрини инобатга олиш ўринли бўлиб, у барча ҳуқуқни қўллаш ҳаракатларини урта асосий босқичга бўлади:

1. Ҳақиқий ҳолатни аниқлаш (ишнинг асосий ҳолатини аниқлаш) – бунга ҳолат содир бўлганлиги юзасидан келиб тушган маълумотларни исботлаш бўйича олиб бориладиган ҳаракатлар ва бошқалар).

2. Қонун нормасини таҳлил қилиш ва белгилаш (ишнинг ҳуқуқий асосини белгилаш). Ушбу босқич ҳолатга нисбатан қонунчилик нормасини таҳлил қилиш орқали, аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қоидабини кўрсатиш, унинг юридик кучда эканлигига аниқлик киритиш, ҳуқуқни қўллашнинг асослиги билан характерланади.

⁸ Тихомирова Л.А. Порядок привлечения к административной ответственности: Практическое пособие. Специально для системы ГАРАНТ, 2009 [Электронный ресурс]. URL: www.garant.ru

⁹ Масленников М.Я. Административная юстиция и административное судопроизводство: трудности становления и перспективы развития. Административный процесс: теория и практика. Отв. ред. А.С. Дугенец. М.: НОУ Школа спецподготовки «Витязь», 2008, 315 с.



3. Қонунни қўллаш бўйича ишнинг қарори. Бунда, қонунни қўллаш бўйича норматив ҳужжатда, аниқланган ҳолатларни ва юридик ҳужжатларни таҳлил қилиш орқали ишнинг натижалари бўйича қарор қабул қилинади¹⁰.

Айрим олимларнинг фикрича Чегара органларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш босқичлари мажбурий ва факультатив процессуал босқичларга бўлинади.

Жумладан, Д.Р. Кеверковнинг фикрича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг мажбурий босқичлари: Чегара органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш, Чегара органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни ижро этишдан иборат.

Факультатив босқичларга эса: Чегара органлари томонидан маъмурий суриштирув ўтказиш, Чегара органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарилган қарорларни қайта кўриб чиқиш келтирилади¹¹.

Келтирилган илмий ва назарий (амалий) таҳлиллар натижаси ДХХ Чегара қўшинларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш босқичларини мажбурий ва факультатив сифатида эмас балки, қуйидаги босқичларга бўлиш имконини бермоқда:

1. Дастлабки босқич – бунда ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ўзлари ёхуд Давлат чегарасига ўрнатилган муҳандислик техника иншоотлари ва тўсиқлари, қўриқлашнинг бошқа техник воситалари орқали, жисмоний ва юридик шахсларнинг берган хабарлари ва бошқа ҳодисалар юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланадиган босқич.

2. Асосий босқич – ДХХ Чегара қўшинлари мансабдор шахслари томонидан аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича амалга ошириладиган маъмурий процессуал ҳаракатлар. Бунда, ҳуқуқбузардан тушунтириш хати олиниши, шахсий кўрикдан ўтказилиши, ашёлар кўздан кечирилиши, маъмурий тарзда ушлаб турилиши ва ҳ.з.

3. Ҳужжатларни расмийлаштириш босқичи – аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш. Бунда, маъмурий тарзда ушлаб турилиши, шахсий кўрикдан ўтказилиши, ашёлар кўздан кечирилиши, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар расмийлаштирилиши ва бошқалар.

4. Якунловчи босқич – аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш натижалари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарор қабул қилиш ёхуд тегишлилиги бўйича кўриб чиқиш учун тегишли судга юбориш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қайта кўриб чиқиш, қарор ижросини таъминлаш ва ҳ.з.

¹⁰ Алексеев С.С., Данную позицию разделяют и другие исследователи: Дюрягин И.Я. Применение норм советского права, с. 322.

¹¹ Кеверков Д.Р., Правовые основы производства по делам об административных правонарушениях в пограничных органах и пограничных войсках Федеральной службы безопасности Российской Федерации: автореф. дисс. на соис. уч. степ. канд. юр. наук, Москва, 2004, ст. 6.



Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш доирасида, ДХХ Чегара қўшинларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича билдирилган таклиф ва мулоҳазалар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда.
2. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 2020 йил 13 мартдаги ЎРҚ–610-сон Қонуни “Халқ сўзи”, 2020 йил 14 март.
3. “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида” 2023 йил 25 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ–832-сон Қонуни // “Халқ сўзи”, 2023 йил 26 апрель.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида” 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори // Электрон манба: www.lex.uz.
5. Юлдашев Дж.Х., Ўзбекистон Республикаси паспорт тизимини такомиллаштиришнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари: ю.ф.ф.д (PhD) бўйича дисс.. – Т.: ИИВ Академияси, 2019 й.
6. Дадабоева Н., Ҳуқуқбузарликларга оид маъмурий ишларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти: муаммо ва ечим // *odillik mezonlari. Ilmiy-amaliy, huquqiy jurnal*. 2019 й. №1.
7. Кеверков Д.Р., Правовые основы производства по делам об административных правонарушениях в пограничных органах и пограничных войсках Федеральной службы безопасности Российской Федерации: автореф. дисс. на соис. уч. степ. канд. юр. наук, Москва, 2004.
8. Алексеев С.С., Данную позицию разделяют и другие исследователи: Дюрягин И.Я. Применение норм советского права, М., 2006.
9. Масленников М.Я. Административная юстиция и административное судопроизводство: трудности становления и перспективы развития. Административный процесс: теория и практика. Отв. ред. А.С. Дугенец. М.: НОУ Школа спецподготовки «Витязь», 2008, 315 с. Трофимчук Н.В., Государственное регулирование режима пребывания иностранных граждан в Российской Федерации // Миграционное право. – 2009. – № 3.
10. Тихомирова Л.А. Порядок привлечения к административной ответственности: Практическое пособие. Специально для системы ГАРАНТ, 2009 [Электронный ресурс]. URL: www.garant.ru.



11. Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида учрайдиган юридик атамаларнинг
изоҳли луғати // А.А. Отажонов, И. Исмаилов, Б.Э. Закиров
ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2016.